

Үйланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш



14:41 / 16.12.2024 1845

Охирги пайтларда умр йўлдошини танлаш пайтида тиббий кўрикдан ўтиш масаласи ҳам ўртага чиқди. Тажрибада никоҳдан, тўйдан кейин келин-куёвдан бирида турли юқумли ёки бир оиласда яшашга тўсиқ бўладиган bemorliklar чиқиб қолиши ҳолатлари ушбу чорани қўллашга мажбур қилди. Бу ишга шаръий жиҳатдан қандай баҳо берилишини уламоларимиз кўриб чиқиб, қуидаги қарорни қабул қилдилар.

Фатво ва илмий баҳслар бўйича европа мажлиси

Ўн тўртинчи сессия

(23-27 феврал, 2005 йил)

қарор 2\14.

Мажлис никоҳланишни истовчиларда юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтиш масаласини кўриб чиқди. Бу борада тайёрланган илмий тадқиқотни атрофлича ўрганиб чиққандан кейин мажлис қуидагиларга қарор қилди:

1. Никоҳланишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрикнинг юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлашда фойдалари бор. Бу сабабли никоҳланишдан сақланиш мумкин. Шу билан бирга, бу ишнинг айб ва салбий тарафлари ҳам бор. Хусусан, бирорнинг

айбини очиш, унга маънавий зарар етказиш ва келажагини хавф остида қолдириш кабилар.

2. Тиббий кўрикни ман қилувчи нарса шариатда йўқ. Жумладан, ирсий кўрикнинг ҳам. Фақат, шарт шуки, айбни ошкор қилмаслик керак ва даволанишга йўл топиш лозим.

3. Агар никоҳни истовчи тарафлардан бири никоҳдан олдин тиббий кўрикни шарт қилса, монеълик йўқ.

4. Агар икки тараф оила қуришдан олдин келишган ҳолда (ирсийдан бошқа) тиббий кўрикдан ўтишни истасалар, монеълик йўқ. Фақат, сатр бўйича Ислом одбларига амал қилиш ва бошқа тарафга зарар етказмаслик шарт.

5. Икки тарафга ҳам никоҳдан олдин ўзидаги юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни яшириш жоиз эмас. Агар яширса ва бу иш иккинчи тарафнинг хаста бўлиши ёки ўлимига сабаб бўлса, сабабчи тараф шариат ҳукми бўйича барча жазо ва тўловларни ўташи мажбурий бўлади.

6. Агар никоҳдан кейин икки тарафдан бири иккинчисининг юқумли ёки оила қуриш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталиги борлигини билиб қолса, никоҳни бузишга ҳаққи бор.

«Бахтиёр оила» китобидан